

Уларни сиймоларидан танийсан...



19:36 / 06.09.2020 2714

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда шундай марҳамат қилади:

ضَرْبًا يَسْتَطِيعُونَ لَا إِلَهَ سِوَى اللَّهِ سَكِيلٍ فِي أَحْصَرُوا الَّذِينَ لِلْفُقَرَاءِ

تَعْرِفُهُمُ التَّعَفُّفِ مِنْ أَغْنِيَاءَ الْجَاهِلِ يَحْسِبُهُمُ الْأَرْضِ فِي

بِهِ، اللَّهُ فَإِنَّ خَيْرٍ مِنْ تَنْفِقُوا وَمَا إِلْحَافًا النَّاسِ يَسْأَلُونَ لَا بِسِيمَتِهِمْ

(Садақалар) Аллоҳнинг йўлида тutilган, ер юзида кезишга қодир бўлмаган, билмаган киши иффатлари туфайли уларни бой деб ўйлайдиган фақирларгадир. Уларни сиймоларидан танийсан, одамлардан хиралик қилиб сўрамаслар. Нима яхшилик нафақа қилсангиз, бас, Аллоҳ албатта, уни ўта билувчидир. *(Бақара сураси, 273-оят).*

Бу ояти карима зикр қилган тоифадаги одамлар нафсларини Аллоҳ таолонинг йўлида иш қилишга тутганлар, шу сабабдан уларнинг касб қилишга ҳам имконлари йўқ. Айти чоғда, иффатлари, уятлари кучли бўлганидан ўзларининг ҳожатманд эканликларини яшириб юрадилар. Асл ҳолни билмаган одам уларни сиртларидан кўриб, бой деб ўйлайди.

«(Садақалар) Аллоҳнинг йўлида тutilган, ер юзида кезишга қодир бўлмаган, билмаган киши иффатлари туфайли уларни бой деб ўйлайдиган фақирларгадир».

Нафақани худди ана ўшаларга қилиш керак. Уларнинг ўзлари асл ҳолларини беркитсалар, одамлардан хиралик билан тиланмасалар, уларни қандай қилиб топамиз?

«Уларни сиймоларидан танийсан...»

Фаросати бор, мулоҳазали кишилар мазкур фақирларни, гарчи улар ҳожатмандликларини билдирмасдан, кишилар кўзига бой бўлиб кўриниб юрсалар ҳам, таниб, ҳақиқатни билиб оладилар. Ўзларини иффатли тутганликларининг ўзи нафақани уларга махфий қилишга ундайди. Нафақа бераман деб, бундай кишиларнинг ҳис-туйғуларини оёқости қилмаслик керак. Нафақа Аллоҳ учун қилинаётган бўлса, махфий тарзда қилингани маъқул.

«Нима яхшилик нафақа қилсангиз, бас, Аллоҳ албатта, уни ўта билувчидир».

Савобини ҳам Ўзи билиб, бераверади. Шунинг учун ҳаммага кўрсатиб, гувоҳларни кўпайтириб садақа қилишга ҳожат йўқ. Сиз ихлос билан, Аллоҳ

таолонинг юзини кўзлаб садақа қилаверинг, у ёғини Аллоҳ таолонинг Ўзи
билади.

«Тафсири Ҳилол» китобидан